

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАДИРОВ МАХАМАДЗАРИФ АНВАРЖОНОВИЧ

**3d-МЕТАЛЛАРНИНГ N-АЛМАШГАН ҲОСИЛАЛИ
 α -АМИНОКИСЛОТАЛАР БИЛАН КОМПЛЕКСЛАРИНИ
СИНТЕЗИ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ**

**02.00.09 – товарлар кимёси (кимё фанлари)
15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия
(фармацевтика фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Кадиров Махамадзариф Анваржонович

3d-металларнинг N-алмашган ҳосилали α -аминокислоталар билан
комплексларини синтези ва сертификатлаш..... 3

Кадиров Махамадзариф Анваржонович

Синтез комплексов 3d-металлов с N-замещенными производными
 α -аминокислот: и сертификация..... 20

Кадиров Махамадзариф Анваржонович

Complexes of 3d-metals with N-substituted derivatives
 α -amino acids synthesis and certification..... 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАДИРОВ МАХАМАДЗАРИФ АНВАРЖОНОВИЧ

**3d-МЕТАЛЛАРНИНГ N-АЛМАШГАН ҲОСИЛАЛИ
 α -АМИНОКИСЛОТАЛАР БИЛАН КОМПЛЕКСЛАРИНИ
СИНТЕЗИ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ**

**02.00.09 – товарлар кимёси (кимё фанлари)
15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия
(фармацевтика фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В1019.3.PhD К 238 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида ва Андижон давлат университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда камқонлик ва иммун тизимининг кучсизланиши туфайли инсон саломатлигига хавф соладиган касалликларнинг ортиб бориши қон ҳосил қилувчи ва иммуномодуляторлик хусусиятига эга янги авлод дори препаратларини яратишни тақозо этмоқда. Бу ўрнида биоген 3d-металлари ҳамда координацион бирикмалар асосида янги дори воситаларини яратиш ва уларни фармацевтик ишлаб чиқариш йўллари самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда биоген 3d-металларининг инсон организмга физиологик-терапевтик аҳамиятини баҳолаш ва уларни органик моддалар билан турли координацион бирикмаларини синтез қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда, биоген элементларнинг донор атомлари билан ўзаро рақобат координацияси исботланди, α -аминокислоталар билан координацион бирикмаларини синтез қилиш йўллари аниқланди, уларнинг гепатопротекторлик ва иммуностимуляторлик хусусиятлари баҳоланди. Таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда биоген элементларнинг юқори биологик фаоллиги уларнинг айнан органик лигандлар билан координацион бирикмаларида, шунингдек уларнинг юқори даражадаги хавфсизлиги ва бошланғич компонентлар учун хос бўлмаган янги биологик хусусиятларни намоён қилишида кузатилади. Бу ўринда, биоген элементларнинг органик лигандлар билан ҳосил қилган координацион биокомплекслари организмга киритилганда ундаги мавжуд эндоген биотизимлар ўртасида энг кўп яқинлик ва мутаносибликни вужудга келишини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Шунга кўра, биоген 3d-металларининг лигандли комплексларни синтез қилиш шароитларини аниқлаш ва энг оптимал усулларини ишлаб чиқиш, ҳосил қилинган барқарор комплексларнинг биологик фаоллигини асослаш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш ва маҳаллий хом ашёлари асосида импорт ўрнини босувчи табиий дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, биофлаваноидлар асосида иммуностимуляторлик хусусиятига эга бўлган дори препаратларининг синтези йўллари аниқланди, қон ҳосил қилувчи “Коамид”, “Фераск”, “Когистин” ва гепатопротектор хусусиятига эга “Кобавит” препаратлари ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан биоген 3d-металларнинг N-алмашган ҳосилалари α -аминокислоталар билан комплексларини синтез қилиш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

биологик фаоллигини аниқлаш ва янги дори препаратларини сертификатлаш ишларини йўлга қўйиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2884-сон, 2019 йил 10 апрелдаги «2019-2021 йилларда республикани фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда 3d-элементларнинг α -аминокислоталар билан координацион бирикмаларини синтези ва таҳлил усуллари етарлича ёритилган. Лигандларнинг донор гуруҳларининг рақобатли координацияси бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши аниқланган, уларнинг энг муҳимлари – комплексларнинг тури, комплекс ҳосил бўлишининг шартлари, марказий атомнинг табиати ва лигандлар донор гуруҳларининг хелат ҳосил қилиш хусусиятидир. Ўзбекистонда М.А.Азизов, Х.Х.Ҳакимов, А.А.Шабилалов, А.Б.Акбаров, Н.А. Парпиев, О.Ф. Ходжаев, Т.А. Азизов илмий асарларида ҳам турли 3d-металлар билан комплекс ва молекуляр бирикмаларни ҳосил қиладиган метионин гистидин, глутамин кислотаси ва бошқа комплекс бирикмалари ўрганиб чиқилган.

Комплекс бирикмалар кўплаб хориж давлатларида ҳам кенг ўрганиламоқда, илмий-техник ва патентларга оид адабиётларда К.Б.Яцимирский, Ю.Н.Кукушкин, Ю.Я.Харитонов, Г.В.Цинцадзе, К.С.Сулайманкулов, Н.А.Шестакова, У.Ф.Куклина, Г.Д.Мальчиков, В.Дипуи, S.N.Mandoli, G.Ostacoli каби олимларнинг 3d-металларнинг α -аминокислоталар билан координацион бирикмаларни синтез қилиш ва тадқиқ этишга бағишланган бир қатор асарлари мавжуд. Жаҳон илмий адабиёти соҳага оид маълумотларини таҳлил қилиш, металл ионларининг комплекс ҳосил қилиш хусусиятларига, лигандлар донор атомларини ўзаро рақобат координациясига, комплексларнинг тури ва тузилишига жиддий таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжудлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Ушбу тадқиқотларни тизимли асосда ривожлантириш орқали белгиланган хусусиятли истиқболли биокомплексларни мақсадга йўналтирилган синтез қилиш йўллари аниқлаш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида ўзига хос дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга жорий қилиш” ва Андижон давлат университетининг “Ферроцен ва унинг хосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” мавзуларидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки ва уч валентли биоген 3d-ионларининг Шифф асослари билан янги координацион бирикмаларини яратиш ва фармакологик фаол дори воситаларини синтез қилишнинг оптимал усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биоген 3d-металлар қаторидаги элементларнинг Шифф асослари билан аралаш лигандли комплексларни синтез қилиш шароитларини аниқлаш ва энг оптимал усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш;

табиатига кўра фарқланадиган металл марказлари билан икки ядроли комплекс бирикмаларни синтез қилиш имкониятини аниқлаш полифункционал лигандлар донор атомларининг металл ионларига рақобат-координация хусусиятларининг ўзига хослигини тадқиқ этиш, марказий атомнинг атрофи табиатининг стереокимёвий асосларини ўрганиш;

трансаминазаларнинг фаол марказлари асосида ҳосил қилинган комплексларни моделлаштириш имкониятини аниқлаш, улардаги марказий атомнинг табиати, координацияланган лигандларнинг трансаминлаш жараёни кечишига таъсир этишини ўрганиш.

ҳосил қилинган барқарор комплексларнинг биологик фаоллигини ўрганиш, амалий тиббиётга жорий қилиш мақсадида энг самарали таъсир этувчи бирикмаларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Co(II), Ni(II), Cu(II), Fe(III) ва Zn каби 3d-биометаллар, физиологик фаол органик лигандларлардан аспарагин ва глутамин кислоталари, U витамини, салицил альдегид ва пиридоксал гидрохлорид ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети полифункционал лигандларнинг металл-ионларга донор гуруҳларининг ўзаро таъсир этиши ва рақобатли координацияси, марказий атомнинг энг яқин атрофининг конфигурацияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда инфрақизил (ИК), электрон парамагнит резонансли (ЭПР), диффузион акс этишнинг электрон спектроскопияси (ДЭС) ва электрон спектроскопия (ЭС), элементлар таҳлилининг умумэтироф этилган аънавий усуллари, шу жумладан трилонометрик, потенциометрик титрлаш усуллари, Дюма ва

К.Фишернинг микроанализ усули, бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Co(II), Cu(II) ва Ni(II) аралаш лигандли комплексларни токсиклигини Co(II), Ni(II), Cu(II), Fe(III) ва Zn биометалларнинг салицил альдегиди, пиридоксал, аспарагин ва глутамин кислоталари, ҳамда U витамини асосида ҳосил қилинган моно- ва икки ядро табиатли Шифф асослари билан координацион бирикмаларини синтез қилиш шароитлари аниқланган;

илк бор таркибида табиатига кўра фарқланувчи металл марказлари бўлган комплекс ичидаги-молекуляр турдаги аминокислоталарнинг N-ўрин алмашган ҳосилаларининг икки ядроли комплекслари олинган;

лигандларнинг рақобатли координацияси, комплекслардаги металл марказларининг конфигурациялари аниқланган;

ички координацион сфера табиатининг электрон ўтишлар энергиясига таъсир этиши асосланган ва уларнинг қийматлари бўйича бир қатор спектр-кимёвий кўрсаткичлари исботланган;

марказий атом табиати, лигандлар рақобатли координациясига боғлиқ омиллари аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лигандлар ва металл-ионлар табиатига, ҳамда комплексларнинг ҳосил бўлиши шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда, таркибида текшириляётган аминокислоталарнинг N-ўрин алмашган координацион бирикмалардан ташқари, иккиламчи лигандлар сифатида юзага чиқувчи бошланғич аминокислоталарнинг ионлари кирадиган комплекслари олинган;

in vitro шароитида транс-аминаза фаоллигини намоён этувчи координацион бирикмалар олинган;

кенг кўламли терапевтик таъсир этувчи биокомплексларни синтез қилишни муқобил усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Комплексларни идентификациялашда элементларни синтез қилишнинг аъъанавий усуллари билан бир вақтда, замонавий ИҚ, ДЭС, ЭПР ва электрон спектроскопия усуллари қўлланганлиги билан асосланади. Олинган тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш Стъюдентс мезони каби математик оператор дастурларни қўлланган ҳолда интеллектуал тахлил усуллари асосида амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти 3d-биометаллар Co(II), Ni(II), Cu(II), Fe(III) ва Zn ларнинг α -аминокислоталар билан бир ва икки ядроли координацион бирикмаларини синтез қилишнинг оптимал усулларини ишлаб чиқилганлиги, комплексларнинг ҳосил бўлиши шароитларига ва металл-ион табиатига боғлиқ ҳолда, молекуляр ацид комплекслар, комплекслар ичидаги ва ички-молекуляр бирикмалар ҳосил бўлиши йўллари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти координацион

бирикмалар асосида янги дори воситаларини яратиш шароитларини аниқлаш, биоконплексларнинг аниқ йўналтирилган мақсадли синтез қилиш йўллариини ишлаб чиқиш ва янги авлод дори препаратларини ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 3d-металларнинг N-алмашган ҳосилали α-аминокислоталар билан конплексларини синтези ва сертификатлаш доирасида олинган натижалар асосида:

қон ҳосил қилиш ва антидот хусусиятларга эга бўлган кобальт(II)нинг α-кетоглутар ва глутамин кислоталари билан бирикмаси олиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тамонидан ихтирога патент олинган (№ IAP 05669, 26.09.2018й). Натижада қон ҳосил қилувчи ҳамда антидот хусусиятларга эга бўлган дори воситаларини олиш имконини берган;

қон ҳосил қилиш ва антидот хусусиятларга эга бўлган кобальт(II)нинг метилметионинсульфоний хлорид ва глутамин кислота билан бирикмаси олиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тамонидан ихтирога патент олинган (№ IAP 05671, 26.09.2018й). Натижада биоген металларнинг лигандли конплексларини синтези орқали дори воситаларини олиш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича камқонликка қарши «Глутафер» (трисакво трисгидроксид ди(м-гидроксо) моноўрин алмашган глутаминат-О,N) ди-темир(III)) препарати учун 3004 90000 3 халқаро код рақами ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 16 августдаги 1/16-414-сон маълумотномаси). Натижада антианемик дори воситаларини кимёвий таркиби асосида синфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий ишлар нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган. Тадқиқотда қўлланилган усуллар билан боғлиқ 2 та республика патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**3d-металларнинг N-алмашган ҳосилали α -аминокислоталар билан комплекслари синтези ва сертификатлашган масаласининг ҳозирги замон ҳолати**» номли биринчи боби координацион биоанорганик кимёдаги фармакологик фаол 3d-элементлар ва физиологик фаол лигандларга оид вазиятнинг батафсил таҳлилини ўз ичига олади. Адабиётларнинг шарҳи кўрсатишича, 3d-металлар ва лигандлар сифатида юзага чиқадиган α -аминокислоталарнинг юқори биологик фаоллиги координацион бирикмалар таркибида – уларнинг тирик организмдагига яқин ҳолатида бўлади. Айни пайтда, фармакологик фаол бирикмаларнинг ҳосил бўлиши уларнинг бошланғич таркибий қисмларида мавжуд бўлмаган тамоман янги фойдали хусусиятларнинг намоён бўлишига олиб келади. Шундай қилиб, аниқ йўналишли селектив синтез қилиш йўли билан тирик организмдаги металл атомлари марказларини тадқиқ этиш имконияти туғилган ҳолда, янги юқори фаол дори препаратларини ҳосил қилиш мумкин бўлади.

3d-элементлар ва α -аминокислоталарнинг N-ўрин алмашган ҳосилалари билан бир жинсли ва аралаш лигандли биологик фаол комплексларнинг янги турларини синтез қилиш ва тадқиқ этиш, янги дори воситаларининг субстанцияларини ҳосил қилиш имкониятларини яратади.

Диссертациянинг «**Биоген 3d- металларнинг N алмашган ҳосилали α -аминокислоталар билан комплекслари синтези усуллари**» номли иккинчи бобида янги биологик фаол координацион бирикмаларни синтез қилиш услубиёти ва таҳлил қилиш усуллари, модда таркибини аниқлаш, уларни физик-кимёвий усуллар билан идентификациялашга оид тадқиқотларга бағишланган. Яъни, бу ерда тадқиқ этилаётган альфа-аминокислоталар ва U витаминининг салицил альдегид (HSal) билан, фармакопедядаги пиридоксал гидрохлориддан олинган пиридоксалли асос (H_2PL) билан янги синтез қилинган N-ўрин алмашган ҳосилаларининг таркиби ва уларни ҳосил қилиш усуллари кўриб чиқилган. Синтез қилиш давомида Уфа витамин заводининг U витамини (MemSClH), Венгриянинг Reanal компаниясининг аспарагин ($AspH_2$) ва глутамин ($GluH_2 \cdot H_2O$) кислоталаридан фойдаланилган.

Комплексларни синтез қилишда «таҳлил учун тоза» русумли икки ва уч валентли 3d-металларнинг ($M-[Co(II), Ni(II), Cu(II), Fe(III)$ ва $Zn]$) хлоридлари ва нитратлари, металларнинг асосли карбонатлари ва оксидларидан фойдаланилган. Комплексларнинг таркиби умум эътироф этилган элементларни таҳлил қилиш усуллари билан аниқланган, жумладан, металл-ионларнинг миқдори трилонометрик усулда, эримайдиган моддалар нитрат ва хлор (ёки сульфат) кислоталарнинг

муҳитида парчаланишидан кейин таҳлил қилинган. Хлорнинг миқдорий таркиби потенциометрик усул билан, азот миқдори - Дюма микро усули билан, углерод ва водороднинг миқдори – намуналарни кислороднинг тез оқимида ёндириш усули билан аниқланган. Ажратиб олинган комплексларнинг баъзи физик-кимёвий хусусиятлари: эриш температураси, моляр электр ўтказувчанлик, рН ва эрувчанлиги ўрганилган.

Ишлаб чиқилган синтез услубиётлари асосида, қуйидаги турларга мансуб бўлган биоконкомплекслар ҳосил қилинган.

Бир ядроли: - $M(\text{Sal-Acid}) \cdot n\text{H}_2\text{O}$, - $M(\text{HPL-Acid}) \cdot n\text{H}_2\text{O}$;
- $M(\text{H}_2\text{PL-AcidH})(\text{MemSCl}) \cdot n\text{H}_2\text{O}$; - $M(\text{Sal-MemSCl})(\text{MemSCl}) \cdot n\text{H}_2\text{O}$,

Икки ядроли: - $M(\text{Sal-MemS}^+)(\text{MemS}^+) \cdot [\text{MCl}_4] \cdot n\text{H}_2\text{O}$;
- $M(\text{Sal-MemS}^+)(\text{MemS}^+) \cdot 2[\text{MCl}_3] \cdot n\text{H}_2\text{O}$; - $M(\text{H}_2\text{PL-Acid})(\text{MemS}^+) \cdot [\text{MCl}_3] \cdot n\text{H}_2\text{O}$.

Тадқиқотимизнинг мақсади биометаллар асосида фармакологик-физиологик фаол лигандлар билан юқори кўрсатилган турларга мансуб, белгиланган специфик фаолликка эга бўлган янги биологик фаол координацион бирикмаларни синтез қилишдан иборат бўлган.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилган:

- комплексларнинг ҳосил бўлиши шароитлари аниқланган, юқорида кўрсатилган металл атомлари марказларининг салицил альдегиди билан, пиридоксал гуруҳ билан, аспарагин ва глутамин кислоталари ва U витаминининг ҳосилалари билан бир турдаги ва аралаш лигандли комплексларини, шунингдек уларнинг икки ядроли биологик фаол бирикмаларини синтез қилишнинг усуллари ишлаб чиқилган;

- комплекслар идентификацияланган, уларнинг таркиби аниқланган ва физикавий-кимёвий хусусиятлари ўрганилган.


Диссертациянинг «**Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг тузилишини ўрганиш**» учинчи бобида синтез қилинган координацион бирикмалар ва олинган натижаларнинг муҳокамаси келтирилган. Координацион бирикмалар ИҚ, ДЭС, ЭС, ЭПР спектроскопияси каби усуллар ёрдамида ўрганилган, олинган комплексларнинг индивидуаллиги қўлланган физик-кимёвий усулларнинг натижалари билан, шунингдек рентген-фазовий таҳлил усули билан тасдиқланган.

3d-металларнинг α -аминокислоталар N-салицилиден ҳосилалари билан координацион бирикмаларини синтез қилишнинг ишлаб чиқилган умумий усуллари схематик кўринишида 1-расмда келтирилган.

KBr таркибли таблеткаларга дисперсия қилинган намуналарнинг ИҚ-спектрлари $4000-400 \text{ см}^{-1}$ соҳасида Specord-75IR (Германия) спектрофотометри ёрдамида, $4000-200 \text{ см}^{-1}$ соҳасида эса Pye Unicam (Англия) ёрдамида ёзиб олинган, электрон спектрлар ва диффуз акс этиш электрон спектрлари эса $50000-5000 \text{ см}^{-1}$ соҳасида Hitachi-330 (Япония)

спектрофотометри ёрдамида ёзиб олинган.

Ҳосил қилинган бирикмалар тузилишининг асосий хусусиятлари аниқланган, комплексларнинг эритмалардаги ва қаттиқ ҳолатидаги конфигурациялари аниқланган ва лигандларнинг координациялашуви усуллари тасдиқланган. Бир қатор спектр-кимёвий параметрлар ва слейтер интеграллари ҳисобланган (D_q , B , β , β^0 , F_2 , F_4). Тетраэдрик конфигурацияга эга бўлган d^7 -металлар учун электрон ўтишларнинг назарий кутилган энергиялари қийматлари ${}^4A_2(F) \rightarrow {}^4T_2(F)$ ҳисобланган.



1-расм. 3d-металларнинг α -аминокислоталар N-салицилиден ҳосилалари билан координацион бирикмаларини синтезини схематик кўриниши.

Умумий таркиби $M(\text{Sal-Acid}) \cdot n\text{H}_2\text{O}$ формуласига жавоб берадиган Co(II) , Cu(II) атомларининг аспарагин ва глутамин кислоталарининг N-салицилиденли ҳосилалари билан комплексларини ўрганиш пайтида, ИҚ спектрларида $1440\text{-}1430\text{ см}^{-1}$ соҳасида $\text{O}=\text{C}-\text{N}$ гуруҳининг симметрик валентлик ўзгаришлари аниқланди, бу гуруҳининг ν_{as} тебраниш ўзгаришлари эса, $\nu(\text{C}=\text{N})$ частоталарининг бир-бирини қоплаши оқибатида, елка шаклига эга бўлди ва $1660\text{-}1650\text{ см}^{-1}$ соҳасида аниқланди. Бошланғич лигандлар ва комплекслар орасидаги $\nu(\text{O}=\text{C}-\text{N})$ ютилиш йўллариининг максимум қийматларидаги фарқлари куйидаги иккита омилнинг таъсир

этиши оқибати ҳисобланди:

1. Карбоксил гуруҳининг марказий атомга карбонил кислород атомининг воситасида координациялашуви;

2. Карбоксил гуруҳининг ОН-гуруҳи асосан молекуларо Н-боғла-нишларнинг ҳосил бўлишида иштирок этиши.

Аспарагин ва глутамин фрагментларининг γ -COOH ва δ -COOH-гуруҳлари координациялашувининг молекуларо ёки молекула ичидаги табиатини тадқиқ этиш мақсадида, шунингдек комплексларнинг агрегат ҳолати лигандларнинг рақобатлашув-координацион хусусиятларига таъсир этишини аниқлаш мақсадида, уларнинг сувли эритмаларининг ($c=0,05$ моль/л) ёритилган ҳолдаги ютилиш электрон спектрлари (ЭСП) ўрганилган.

Co(II), Ni(II), Cu(II) ва Zn атомларининг α -аминокислоталар пиридоксалиден ҳосилалари билан комплексларининг тузилишини ўрганиш мақсадида лигандларнинг ИҚ-спектрлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. (cm^{-1}): $\text{H}_2\text{PL}\cdot\text{HCl}$: $\nu(\text{C-O})+\delta(\text{O-H}) = 1280$ ва 1010 (спирт гуруҳи); $\nu(\text{C-C-O})=1260$ ва 1240 (фенол); $\delta(\text{OH}) = 1430$; $\nu(\text{C=O}) = 1550$ (Н-хелат); $\nu(\text{C-H}) = 2915$ (альдегид). $2650-2570 \text{ cm}^{-1}$ соҳасида протонлашган пиридин гуруҳининг азот атомининг валент ўзгаришларининг интенсив йўллари мавжуд: H_2PL молекуласида: $\nu(\text{C-O})+\delta(\text{O-H}) = 1316$ ва 1025 ; $\nu(\text{C=O}) = 1570$ (Н-хелат); $\nu(\text{OH}) = 3150$; $\nu(\text{C-H}) = 2950$ ва 2890 ; $\nu(\text{N}^+\text{H})=2770-2600$, $\nu(\text{C-C-O})$ ва $\nu(\text{OH})$ даги тебраниш ўзгаришлари $\text{H}_2\text{PL}\cdot\text{HCl}$ спектрида кузатиладиган максимум қийматларига нисбатан юқори частотали ($\sim 8-5 \text{ cm}^{-1}$) соҳасига силжиган.

Умумий таркиби $\text{M}(\text{H}_2\text{PL-AcidH})(\text{MemSCl})\cdot n\text{H}_2\text{O}$, $\text{M}(\text{HPL-AcidH})\cdot n\text{H}_2\text{O}$ ва $\text{M}(\text{H}_2\text{PL-AcidH})(\text{MemSCl})[\text{MCl}_3]\cdot n\text{H}_2\text{O}$ формуласига мос бўлган комплексларнинг ИҚ-спектрлари α -аминокислоталарнинг N-пири-доксалиден ҳосилалари комплекслари учун хос бўлган ютилиш йўллари қатори билан ифодаланган. $1635-1620 \text{ cm}^{-1}$ соҳасида азометин гуруҳининг азот атоми воситасида координациялашган Шифф асослари билан ҳосил қилинган комплекслар учун хос бўлган $\nu(\text{C=N})$ даги анча кучли ютилиш йўллари аниқланди. Бунда, муҳокама қилинган комплекслар ва умумий таркиби $\text{M}(\text{Sal-AcidH})\cdot n\text{H}_2\text{O}$ га мос келган комплексларнинг ИҚ-спектрларида аниқланадиган $\nu(\text{C=N})$ тўлқин сонлари амалда айнан бир соҳада жойлашган. $1610-1570 \text{ cm}^{-1}$ соҳасида жойлашган максимум қийматлари бўлган интенсив ютилиш йўллари $\nu_{\text{as}}(\text{OCO})$ асимметрик тебраниш ўзгаришларига мос деб баҳоланди. $\nu_{\text{s}}(\text{OCO})$ тебраниш ўзгаришлари тўлқин узунлигининг торроқ соҳасида жойлашган максимум қийматлари бўлган ўртача интенсивликдаги йўллар билан ифодаланган: $1425-1412 \text{ cm}^{-1}$. $\Delta\nu(\text{OCO})=\nu_{\text{as}}(\text{OCO})-\nu_{\text{s}}(\text{OCO})$ қийматлари асосан $195-170 \text{ cm}^{-1}$


¹ соҳасида бўлиб улар бошланғич аминокислоталарнинг шунга ўхшаш кўрсаткичларидан $\sim 10-15 \text{ см}^{-1}$ га юқорироқ қийматига эга бўлди.

Комплексларнинг ИҚ-спектрларида карбонил гуруҳига мос тебранишлар аниқланди, уларнинг максимум қийматлари юқори частотали соҳа томонига силжиган, $1725-1710 \text{ см}^{-1}$ да кузатилди. Аниқланадиган максимум қийматлар координациялашмаган ОСОН-гуруҳдан ν_{as} тебранишлар учун хос деб ҳисобланади. Бу эса комплекслар таркибидаги, марказий атомлари сифатида Cu(II), Co(II) ва Ni(II) ионлари жойлашган HPL-GluH-фрагментлар, фенол ва карбоксилат гуруҳларининг кислород атомлари, ҳамда азометин гуруҳининг азот атоми воситасида юзага чиқадиган уч дентантли лиганд сифатида координациялашади, деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Юқорида кўрсатилган таркибга эга бўлган комплексларнинг ДЭС таҳлили орқали олинган спектр-кимёвий параметрлари, шакли бузилиб ўзгарган октаэдрик тузилишга эга бўлган координацион бирикмаларга мос келади.

Темирнинг уч валентли $\text{Fe}_2(\text{GLu-H})(\text{OH})_5 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ комплексининг ИҚ спектрида куйидаги асосий ютиш йўллари кузатилади ($\pm 2 \text{ см}^{-1}$): $\nu(\text{NH})=3268$; $\nu(\text{ОСОН})=1553$; $\nu(\text{ОСО})=1618,1407$; $\nu(\text{C=O})+\delta(\text{OH})=1348$; $\nu(\text{Fe-OH})=1120$. Бундан ташқари, $3400 \div 3470 \text{ см}^{-1}$ соҳасида максимум чўққиси иккита компонентга бўлган $\text{GluH} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ N-ўрин алмашган глутаминатнинг $\delta\text{-COOH}$ гуруҳи эса координацион бирикмаларнинг молекулараро – кўприкчали табиатига эга деб куйидаги схематик тузилишни (2-расм) изохлаш мумкин.

Диссертациянинг «Синтез қилинган айрим комплексларни биологик жараёнларга таъсири» тўртинчи бобида специфик фаолликка эга бўлган моддаларни аниқ йўналишда синтез қилиш йўллари ишлаб чиқишга асосланган ҳолда, баъзи синтез қилинган комплекслар табиатининг биологик жараёнларга таъсир этиши, комплекс ҳосил қилувчи металлнинг ва унинг хелат шаклидаги атрофининг таркиби, тури, тузилиши, табиати, ҳамда бошқа физик-кимёвий хусусиятларини комплексларнинг биологик фаоллигига таъсир этишини тизимли ва аниқ йўналишдаги тадқиқ этилиши кўриб чиқилди.




2-расм. $\text{Fe}_2(\text{GLu-H})(\text{OH})_5 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ комплексининг схематик тузилиши


Ушбу бобда координацион бирикмаларнинг фармако-кимёвий табиатининг уларнинг токсиклиги, қон ҳосил қилиш ва антидот йўналишдаги фаоллиги билан ўзаро боғланишини аниқлаш бўйича тадқиқотларнинг натижалари, шунингдек айрим комплексларнинг специфик фаоллигини тадқиқ этиш маълумотлари келтирилган ва умумлаштирилган. Моддаларнинг специфик фаоллик кўрсаткичларига таъсир этувчи ва, фикримизча, юқори самарали физиологик фаол моддаларни аниқ йўналишли синтез қилиш масалаларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлган энг муҳим физик-кимёвий омилларни аниқлаш ишлари амалга оширилган.

Биологик фаол моддаларга қўйиладиган муҳим талаблардан бири, уларнинг юқори даражадаги хавфсизлиги ва кучли ифодаланган специфик фармако-физиологик фаоллиги бўлиши лозим. Модданинг марказий атоми, унинг хелат атрофининг табиати ва бошқа кўрсаткичларининг комплекслар хавфсизлигига таъсир этишини аниқлаш учун, уларнинг ўткир токсиклиги (LD_{50}) ўрганилган.

Олинган натижалар асосида, комплексларнинг токсиклиги даражаси асосан марказий атомнинг табиатига, металлга координациялашган лигандларнинг донор гуруҳларига, шунингдек ҳам бирламчи (H_2PL -Acid ёки $HSal$ - $MemSCl$), ҳам иккиламчи (Acid ёки $MemSCl$) лигандларнинг табиатидаги фарқларга жиддий даражада боғлиқ бўлади, деб хулоса қилиш мумкин. Кобальт(II) комплекслари ҳолатида токсиклиги даражаси қуйидаги кетма-кетликда ортиб боради:



Шунга ўхшаш бўлган модданинг токсиклик даражасининг унинг таркибига боғланиши никель(II) нинг тадқиқ этилган комплекслари учун ҳам марказий атом сифатида мис атоми киритилган моддалар учун ҳам кузатилади ва тегишли кетма-кетлик қуйидаги шаклда ифодаланади:



Бу эса ўз навбатида марказий атом табиатининг комплексларнинг токсиклик даражасига жиддий таъсир этиши фаразининг фойдасига яна бир далил бўлиб ҳисобланади.

Эътиборга молик жиҳати шуки, $M(H_2PL-Acid)nH_2O$ туридаги комплекслар учун металллар комплексларининг токсиклиги камайиб бориши даражасига кўра қуйидаги қатор шаклида жойлашади $Co > Cu > Ni$; $M(H_2PL-AspH)(MemSCl)nH_2O$ ҳолатида эса $Cu > Co > Ni$ шаклида бўлади. $M(H_2PL-GluH)(MemSCl)nH_2O$ формуладаги комплексларда эса биометаллар жойлашуви бошқачароқ бўлади, яъни: $Zn > Co > Ni$. $Co(H_2PL-MemSCl)nH_2O$ комплекси, ҳамда гидрооксокомплекслар $Co(H_2PL-MemSCl)(MemSCl)nH_2O$ комплексига нисбатан анча камроқ токсиклик даражасига эга. Биз буни марказий атомнинг хелат атрофининг табиати

комплексларнинг токсиклигига таъсир этиши билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. $M(\text{MemSCl}) \cdot n\text{H}_2\text{O}$ комплексидан $M(\text{H}_2\text{PL} - \text{MemSCl})(\text{Acid}) \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ($M - \text{Co}(\text{II})$ ва Zn) га ўтиш жараёнида, ушбу фарқ ортиб боради, бу эса марказий атомнинг хелат атрофининг табиати ўзгариши билан боғлиқ бўлади.

Марказий атомга координациялашган кислород атомлари сонининг ортиши биоконкомплексларнинг токсиклик даражасини оширади. Шунга ўхшаш тарздаги LD_{50} координациялашган донор лигандларнинг табиатига боғлиқлиги иккиламчи лигандлар сифатида GluH -ионни ўз ичига олган комплекслар ҳолатида ҳам кузатилади: $M(\text{H}_2\text{PL-Acid})(\text{MemSCl})n\text{H}_2\text{O}$ нинг $[\text{2N},\text{3O}]$ координациялашган атомлар тўпламидан $M(\text{H}_2\text{PL-MemSCl})(\text{GluH})n\text{H}_2\text{O}$ нинг $[\text{4O},\text{N}]$ тўпламига ўтиш жараёнида комплексларнинг токсиклик даражаси жиддий ортиб боради, гидроксил гуруҳнинг мавжудлиги эса унинг хавфсизлигини оширади. Баъзи синтез қилинган биоконкомплексларнинг ўлимга олиб келувчи ўртача дозалари бўйича олинган тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган:

1-жадвал:

Баъзи синтез қилинган комплексларнинг ўртача ўлдирувчи дозалари (LD_{50})

Комплекс	LD_{50} , мг/кг	LD_{50} металл-ион хисобида, мг/кг
$\text{Cu}(\text{H}_2\text{PL-AspH})(\text{MemSCl}) \cdot \text{H}_2\text{O}$	173	28,2
$\text{Cu}(\text{H}_2\text{PL-GluH})(\text{MemSCl}) \cdot \text{H}_2\text{O}$	160	27,3
$\text{Cu}(\text{HSal-MemS}^+)(\text{MemS}^+)[\text{CuCl}_4]$	186	29,6
$\text{Cu}(\text{HSal-MemS}^+)(\text{MemS}^+)2[\text{CuCl}_3] \cdot \text{H}_2\text{O}$	209	35,3
$\text{Co}(\text{H}_2\text{PL-AspH})(\text{MemSCl}) \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	69	8,2
$\text{Co}(\text{H}_2\text{PL-GluH})(\text{MemSCl}) \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	73	8,4
$\text{Co}(\text{HSal-MemS}^+)(\text{MemS}^+)[\text{CoCl}_4]$	210	38,0
$\text{Co}(\text{HSal-MemS}^+)(\text{MemS}^+)2[\text{CuCl}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}]$	221	40,8
$\text{Ni}(\text{H}_2\text{PL-AspH}) \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	162	22,2
$\text{Ni}(\text{H}_2\text{PL-GluH}) \cdot 3\text{H}_2\text{O}$	216	31,0
$\text{Ni}(\text{H}_2\text{PL-AspH})(\text{MemSCl}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}$	234	47,2
$\text{Ni}(\text{H}_2\text{PL-GluH})(\text{MemSCl}) \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	113	16,2
$\text{Zn}(\text{H}_2\text{PL -AspH}) \cdot \text{H}_2\text{O}$	45	7,4
$\text{Zn}(\text{H}_2\text{PL -GluH}) \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	40	6,62

Комплекс ҳосил қилувчи металл табиатининг модданинг антидот фаоллигига ва камқонликда кон элементлари манзарасининг тикланиш жараёнига таъсирини аниқлаш учун (ўткир фазалон захарланиш оқибатида) $M(\text{H}_2\text{PL-Acid})(\text{MemSCl})n\text{H}_2\text{O}$ туридаги комплекслар тадқиқ этилган. Металл ионлари холинэстераза фаоллигининг тикланишига

таъсир этишига кўра $Co > Zn > Ni$ кетма-кетлигида жойлашганлиги аниқланган. Ушбу кетма-кетлик металл иони табиатининг лейкоцитознинг (оқ қон таначалари миқдорининг ортиши) кучли камайишида ифодаланадиган яллиғланиш жараёни сусайишига таъсир этиши юзасидан ҳам сақланиб қолади.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси, камқонликда юқори терапевтик таъсирни намоён қиладиган, қон ҳосил қилиш фаоллиги ҳамда иммуномодулятор фаоллигига эга бўлган препаратни яратиш амалий соғлиқни сақлаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлишини кўрсатади. Қўйилган мақсад ва вазифалар глутафер препарати синтези билан ҳал этилди: $C_5H_8O_4NFe_2(OH)_5 \cdot nH_2O$ таркибдаги Fe(III)нинг координацион бирикмаси ҳосил қилинади, бу ерда n - 2 дан 5 гача.

Глутафер преператини специфик қон ҳосил қилиш фаоллигини аниқлаш мақсадида унинг иккита камқонлик шаклида: гемолитик (1) ва геморрагиядан кейинги (2) шаклида камқонликка қарши фаоллигини ошириш мақсадида тадқиқ этилган. Периферик қон манзарасида кузатилган ўзгаришлар чуқур гемолитик камқонлик ҳолатлари учун хос бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Гемолитик (назорат 1) ва геморрагиядан кейинги (назорат 2) камқонликларда каламушларнинг периферик қонининг морфологик таркиби

Текшириладиган кўрсаткичлар	Интакт	Назорат 1	Назорат 2
Гемоглобин, г/л	137±4,0	90,6±5,4 ^a	87,5±4,6 ^a
Эритроцитлар, ·10 ¹² /л	4,8±0,4	1,7±0,1 ^a	1,9±0,2 ^a
Ранг кўрсаткичи, бирлик	0,9±0,1	1,3±0,1 ^a	1,2±0,1
Лейкоцитлар, ·10 ⁹ /л	10,8±1,2	13,0±1,3	15,2±1,3

Изоҳ: ^a - бошланғич маълумот билан фарқларнинг ҳаққонийлиги ($P < 0,05$).

Препаратларнинг камқонликка қарши таъсир фаоллигини аниқлаш мақсадида, Глутафер ва Тардиферон бир мартабалик қўлланишидан кейин камқонлик ҳосил қилинган ҳайвонларнинг периферик қонининг манзараси текширилган. Бунда, Тардиферон даволаш мақсадида қўлланганидан кейин бир сутка ичида, унинг таъсирида қон ҳосил қилиш тизимида гемоглобин миқдорининг кўтарилиши, эритроцитлар сонининг ортиши билан ифодаланадиган баъзи ижобий ўзгаришлар юз бериши аниқланган.

Глутафернинг 3 ва 6 мг/кг дозасида қўлланиши бошланишини 7-суткасида гемоглобин миқдори ҳайвонларнинг назорат гуруҳида тадқиқотнинг шу вақтига келиб, 12,4% ва 21,2% га (мос ҳолда) ошган. Бунда, Глутафер билан гемоглобин ҳосил қилиш жараёнларини рағбатлантириш Тардиферон олган ҳайвонлар гуруҳига нисбатан

юқорирок бўлган.

Гемолитик камқонлик ҳосил қилинган пайтидаги кўрсаткичларга нисбатан, қаралаётган муддатга келиб, Глутафер ва Тардифероннинг гемоглобин даражаси ва эритроцитлар сонининг ўртача суткалик ортишига таъсирини 3-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўринишича, Глутафер ҳам гемоглобин ҳосил бўлиши, ҳам эритропоэз жараёнига ҳисса киритишига кўра - Тардиферондан устун туради.

3-жадвал

Глутафернинг ва Тардифероннинг гемоглобин даражаси ва эритроцитлар сонининг ўртача суткалик ортишига таъсири

Гуруҳлар	Ўртача суткалик ўсиши, бошланғич (камқонлик) даврига нисбатан	
	гемоглобин даражаси, г/л	эритроцитлар сони, $\cdot 10^{12}$ /л
Назорат гуруҳи	3,17	0,18
Тардиферон	3,74	0,23
Глутафер, 3 мг/кг	4,03	0,29
Глутафер, 6 мг/кг	4,70	0,33

Кейинги кузатишлар препаратлар киритилмаган ҳолда ўтказилган, ҳамда Тардиферон ва Глутафернинг қон ҳосил қилиш фаоллиги кейинги таъсирини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Препаратларни киритиш тўхтатилганидан кейин, тадқиқот бошланишининг 21 ва 30-суткада периферик қоннинг таркибида каламушларнинг тажриба гуруҳларида гемоглобин даражаси каламушларнинг назорат, ва интакт гуруҳига нисбатан юқорилигини кўрсатади. Ушбу даврга келиб, Глутафернинг рағбатлантирувчи таъсири Тардиферонга нисбатан кучли ифодаланади.

Тажрибалар натижаси асосида олинган маълумотлар Глутафернинг, гемолитик камқонлик ҳолатида Тардиферонга нисбатан бир қатор афзалликларга эга эканлигини кўрсатади.

Хулосалар

1. Co(II), Ni(II), Cu(II), Fe(III) ва Zn каби 3d-биометалларнинг салицил альдегиди, пиридоксал, аспарагин ва глутамин кислоталари, ҳамда витамин U билан моно ва биядроли, Шифф асослари шаклидаги 38 та координацион бирикмалари синтез қилинди, уларни физик- кимёвий хусусиятлари ўрганилди. 3d-металларнинг α -аминокислоталар N-салицилиден ҳосилалари билан координацион бирикмаларини синтез қилишни умумий схематик усуллари ишлаб чиқилди.

2. Илк бор таркибида табиатига кўра фарқланувчи металл марказлари

бўлган комплекс ичидаги–молекуляр турдаги аминокислоталарнинг N-ўрин алмашган ҳосилаларининг икки ядроли комплекслари олинган. Синтез шароитларига ва комплекс ҳосил бўлишининг табиатига боғлиқ ҳолда, молекуляр ацидо-комплекслар, ички комплекс бирикмалар ва комплекс ичидаги молекуляр бирикмалар ҳосил бўлиши аниқланган.

3. U витамини билан моно-, би- ва поли ядроли биокомплекслар ажратилган, комплекслар ҳосил бўлиши шароитларининг ҳосил бўладиган бирикмалар турларига таъсири аниқланган. Биринчи мартаба синергетик муқобилликни таъминлайдиган салицил альдегиди ва U витамини ҳамда аспарагин, глутамин кислоталари ва U витаминли аралаш лигандли биокоординацион қўш металллик комплекслар ажратиб олинди.

4. ИҚ, ДЭС, ЭС ва ЭПР спектроскопия каби физик-кимёвий тадқиқот усулларида фойдаланиб, комплекслардаги металл марказларининг конфигурациялари, лигандларнинг рақобатли координацияси аниқланган. Шифф асослари учдентат таркибли усулда: карбоксилат гуруҳи ва фенол гуруҳидаги кислород атомлари воситасида, шунингдек азометин гуруҳининг азот атоми билан координациялашуви кўрсатилди. Бунда “иккиламчи” лигандлар сифатида юзага чиққан лигандлар эса, бидентат таркибли усулда: аминокислоталар O,N-лигандлар каби, α-кетоглутар кислотаси эса O,O^α- лиганд каби координацияланиши кўрсатилган.

Ички координацион сфера табиатининг электрон ўтишлар энергиясига таъсир этиши ўрганилган, уларнинг қийматлари бўйича бир қатор спектр-кимёвий кўрсаткичлари аниқланган.

5. Тажрибалар асосида комплексларнинг токсиклиги даражаси асосан марказий атомнинг табиатига, металлга координацияланган лигандларнинг донор гуруҳларига, бирламчи (H₂PL-Acid ёки HSal-MemSCL), ҳамда иккиламчи (Acid ёки MemSCL) лигандларнинг табиатидаги фарқларга боғлиқ эканлиги аниқланди.

6. Co(II), Cu(II) ва Ni(II) аралаш лигандли комплексларини токсиклигини марказий атом табиати, лигандларнинг рақобатли координациясига боғлиқлик омиллари аниқланди. In vitro тажрибаларда бир қатор биокомплексларни транс- аминлаш фаоллигини молекуляр механизмларини аниқлаш учун модели тизим сифатида баҳолаш имкониятлари асослаб берилди.

7. Илмий тиббий-биологик тадқиқотларнинг олинган натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида янги модда яратилиши бўйича иккита ихтирога IAP 05669 ва IAP 05671 (24.08.2015) рақамли патентлар олинган.

8. “Глутафер” (Трисакво трисгидроксид) ди (μ-гидроксо) моноўрин алмашган глутаминат – O,N) ди-темир(III) камқонлик касаллигига қарши дори воситаси субстанцияси бўйича стандартлаш ишлари амалга оширилди, фармакопея мақоласи (ФС 42 Уз-1375-2017) тасдиқланди. Тадқиқот натижалари “ А.В.-БИОКОМ” МЧЖ фармацевтик корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган.

9. “Глутафер” дори воситаси учун физиологик фаол бирикмалар кимёвий таркиби асосида синфланиб, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича 3004 90 000 3 халқаро код рақами товарларни синфлаш ва сертификатлашда амалиётга жорий қилиниш учун қабул қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.27.06.2017.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

КАДИРОВ МАХАМАДЗАРИФ АНВАРЖОНОВИЧ

**СИНТЕЗ КОМПЛЕКСОВ 3d-МЕТАЛЛОВ С N-ЗАМЕЩЕННЫМИ
ПРОИЗВОДНЫМИ α -АМИНОКИСЛОТ И СЕРТИФИЦИРОВАНИЕ**

02.00.09 – химия товаров (химические науки)

**15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия
(фармацевтические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**

Фергана – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD К 238.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте и в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научные руководители:	Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович доктор фармацевтических наук, профессор
	Киргизов Шахобиддин Мирзарахимович кандидат химических наук, и.о. профессор
Официальные оппоненты:	Дехконов Рахматилла Султанович кандидат химических наук, доцент
	Абдуллабекова Вилюятхон Нуруллабековна доктор фармацевтических наук, профессор
Ведущая организация:	Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «29» 10 2019 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.K.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № 63). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «15» 10 2019 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2019 года).



[Signature]
Хужаев В.У.
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

[Signature]
Нишонов М.
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.т.н., доцент

[Signature]
Абдуллаев Ш.В.
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Рост болезней, угрожающих здоровью человека, в связи с увеличением малокровия и снижения потенциала иммунной системы во всем мире в последние годы, определяют необходимость создания новых поколений лекарственных препаратов, обладающих кроветворными и иммуномодуляторными свойствами. При этом актуальное значение приобретает создание новых лекарственных средств на основе биогенных 3d-металлов и координационных соединений и повышение эффективности путей их фармацевтического производства.

Во всем мире особое внимание обращают на оценку физиологического-терапевтического действия и значения, биогенных 3d-металлов на организм человека, и синтез различных координационных соединений их с органическими веществами. При этом, была доказана взаимная конкурентная координация биогенных элементов с донорными атомами, были определены пути синтеза координационных соединений их с α -аминокислотами, также были оценены их гепатопротекторные и иммуностимуляторные свойства. Необходимо подчеркнуть, что во многих случаях высокая биологическая активность биогенных элементов наблюдается именно в их координационных соединениях с органическими лигандами, а также в проявлении их высокой степени безопасности и новых биологических характеристик не свойственных их первичным компонентам. В этом случае, необходимо особо отметить, что при введении в организм координационных биоконплексов, образованных биогенными элементами с органическими лигандами, между существующими в нем эндогенными биосистемами возникает наибольшее соответствие и взаимодействие. В связи с этим, важное научно-практическое значение имеет определение условий синтеза комплексов биогенных 3d-металлов с лигандами и разработка его наиболее оптимальных способов, обоснование биологической активности образованных стабильных комплексов и внедрение их в производство.

В настоящее время в нашей республике особое внимание уделяется развитию местной фармацевтической промышленности и созданию импортозамещающих природных лекарственных средств на основе местного сырья. На основе программных мероприятий, реализованных в данном направлении, были достигнуты определенные результаты, в частности, определены пути синтеза биофлавоноидов на основе лекарственных препаратов, обладающих иммуностимуляторными свойствами, были произведены кроветворные препараты «Коамид», «Фераск», «Когистин» и препарат «Кобавит», обладающий гепатопротекторными свойствами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² были установлены задачи по

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию. Республики Узбекистан».

«дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, обеспечению населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами». Исходя из этих задач, в частности, важное научно-практическое значение приобретает развитие работы по синтезу комплексов биогенных 3d-металлов с N-замещенными производными α -аминокислот, определению их биологической активности и сертификации новых лекарственных препаратов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях № ПП-2884 от 12 апреля 2017 года «О мерах по совершенствованию структуры АО «Узкимёсаноат» и №ПФ-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019-2021 годах» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В современной литературе достаточно широко освещены методы синтеза и анализа координационных соединений 3d-элементов с α -аминокислотами. Установлено, что конкурентная координация донорных групп лигандов зависит от ряда факторов, наиболее важными из которых являются типы комплексов, условия комплексообразования, природа центрального атома и хелатообразующие свойства донорных групп лигандов. В научных трудах таких известных узбекских ученых, как Азизов М.А., Хакимов Х.Х., Шабилалов А.А., Акбаров А.Б., Парпиев Н.А., Ходжаев О.Ф., Азизов Т.А. в приведенных результатах также изучены комплексные соединения метионина, гистидина и глутаминовой кислоты, которые образуют как внутрикомплексные соединения, так и молекулярные соединения с различными 3d-металлами.

Комплексные соединения изучаются и во многих зарубежных странах, в научно-технической и патентной литературе имеется ряд работ, посвященных синтезу и исследованию координационных соединений 3d-металлов с α -аминокислотами, созданных такими учеными, как Яцимирский К.Б., Кукушкин Ю.Н., Харитонов Ю.Я., Цинцадзе Г.В., Сулайманкулов К.С., Шестакова Н.А., Куклина У.Ф., Мальчиков Г.Д., Dipuy B., Mandoli S.N., Ostacoli G. Анализ профильных сведений, приведенных в мировой литературе, позволяет сделать заключение о наличии ряда факторов, которые могут оказывать существенное влияние на комплексообразующие свойства металл-ионов, взаимную конкурентную координацию донорных атомов лигандов, тип и строение

комплексов. Путем развития на систематической основе данных исследований, можно определить пути направленного синтеза перспективных биоккомплексов с заданными свойствами.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ прикладных проектов Ташкентского фармацевтического института «Разработка и внедрение в медицинскую практику оригинальных лекарственных средств на основе местных лекарственных растений и координационных соединений» и Андижанского государственного университета «Биологически активные вещества, синтезированные на основе ферроцена и его производных, и их классификация на основе химического состава».

Целью исследования является создание новых координационных соединений двух- и трёхвалентных биогенных 3d-ионов с основаниями Шиффа, и разработке оптимальных способов синтеза фармакологически активных лекарственных средств.

Задачи исследования:

